



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 213 (11.524)

Баҳоси эркин нархда

2009 йил 30 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Гулистон шаҳрида ўтказилган Сирдарё ва Жиззах вилоятлари учун қишлоқларда яқка тартибдаги уй-жойларнинг намунали лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўрғазмаси якунига етди. Кўрғазмада иштирок этган қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан шунинг ўзида маҳсулотлар савдоси бўйича шартномалар имзоланди.

● Термиз шаҳрида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Германия техник ҳамкорлик жамиятининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этган «Худудий таҳририятлардаги журналистларнинг компьютер саводхонлигини ошириш» лойиҳаси асосидаги ўқув машғулоти якунига эришилди.

● «Республикадаги энг яхши қишлоқ» кўрик-танловининг Сирдарё вилоят босқичи ниҳоясига етди. Танлов натижасига кўра Сирдарё туманидаги Халқобод фуқаролари йиғинига қарашли Куёш қишлоғи биринчи ўринни эгаллади.

● Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида халқаро стандартларга жавоб берадиган «Жет-А1» русумли авиаёнилғи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ушбу авиаёнилғи «Боинг» ҳамда «Аэробус» русумли самолётларнинг турбинали двигателларига мўлжалланган. Шунинг қадар бундай ёнилғи валюта эвазига четдан келтирилган эди. Ҳозирда бу ерда ойига 10 минг тонна авиаёнилғи ишлаб чиқарилмоқда.

● Фарғона шаҳрида Аҳмад ал-Фарғоний меросининг жаҳон цивилизациясида тугган ўрни ва аҳамиятига бағишланган илмий анжуман ўтказилди.

● Микрокредитбанкнинг туман бўлимидан ажратилган имтиёзли кредит ҳисобига Сурхондарё вилояти Денов туманидаги «Оқбулоқ-Денов» хусусий корхонаси қошида паррандачилик фабрикаси ташкил этилди. Фабрикада ўн киши иш билан таъминланган бўлиб, ҳозирда 5 мингта жўжа парвариш қилинмоқда.

## ЖАҲОНДА

● Ўтган кун бундестаг Ангела Меркелни расман ГФР канцлери этиб сайлади. Шу тариқа Меркел иккинчи муддатта канцлерлик вазифаси бажарадиган бўлди. Мамлакат президенти Хорст Келлер Меркел ва унинг маҳкамаси аъзоларининг қасамёдини қабул қилди.

● БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун ташкилотта аъзо давлатлардан БМТ ходимларининг Афғонистондаги хавфсизлигини таъминлаш борасида ёрдам беришларини сўради.

● Тунисда ўтказилган президент сайловларида амалдаги давлат раҳбари Зин ал-Абидин ибн Али 89 фоиздан ортиқ овоз олиб, икки нафар рақибини ортда қолдиргани ҳолда бешинчи бор мамлакат президенти этиб сайланди. 73 ёшли президент Тунисни 2014 йилга қадар ривожланган мамлакатлар сафига киритишга ваъда берди.

● Кеча Бразилия Амазонияси устидан парвозни амалга ошираётган пайтда Бразилия Ҳарбий ҳаво кучларига қарашли ҳарбий-транспорт самолёти 11 нафар аъзоси билан бедарак йўқолди.

● Халқаро валюта жамғармаси Исландияга 167,5 миллион АҚШ доллари миқдорига кредит ажратилишига қарор қилди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Исландия иқтисодини бутунлай издан чиқаргач, халқаро валюта жамғармаси ҳукумат сўровига кўра мамлакатта молиявий ёрдам беришга қарор қилди.

● Буёқ британиялик ядро мутахассиси БМТнинг Венадаги халқаро марказининг 17-қаватиндан ўзини ташлаб, жонига суиқасд қилган. Исми ошкор этилмаётган 47 ёшли ушбу тадқиқотчи Ядро саноатларини кенг қамровли таъқиқлаш шартномаси ташкилотига ишларди. БМТ вакиллари ва полиция ходимлари ушбу воқеада ҳеч қандай қотиллик аломати йўқлигини маълум қилишди.

● 2010 йилнинг 12 февралда Ванкувер шаҳрида бошланган қишқик Олимпиада ўйинларининг машғулоти бугун Канадага олиб келинади.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



### Тадбиркорлик

## ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган маҳсулотлар сифати қаратилган эътибор буюртмачилар сафи ортишида, харидорлар кўпайишида муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ишлаб чиқарувчиларнинг юртимизда фаолият юритаётган корхоналар билан ҳамкорлик туфайли тайёрланаётган маҳсулотларнинг таннархи четдан келтирилган худди шундай товарлардан бирмунча арзон, аммо сифати билан рақобатдош бўлиши қувонарли ҳол, албатта.

Жорий йилда ўз фаолиятини бошлаган «SHARMED-TEKS» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари ҳам ишлаб чиқариш ҳамини ошириб бориб, буюртмачилар сафини кенгайтириш, истиқбол режада нафақат ички бозор, балки ташқи бозорни ҳам рақобатбардош маҳсулотлар билан таъминлашни аъзо мақсад қилишган. Сифатли пахта хом ашёдан маҳаллий корхоналарда тайёрланган матолардан мазкур жамиятнинг 28 нафар моҳир қўли тикувчи, қўли гул бичувчи, дизайнерлари ҳозирда юксак унумли тикув машиналари, дастгоҳ ва ускуналар мададида кўплаб турдаги янги моделдаги асосан тиббиёт ходимлари учун либослар тайёрлашмоқда.

— Давлатимиз томонидан кичик корхоналар, хусусий тадбиркорлик ривожига қаратилган эътибор туфайли, — дейди мазкур жамият бошқаруви раиси, ёш, ташаббускор тадбиркор Шароф

Рўзиев, — имкониятлардан унумли фойдаланамиз. Янгидан-янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, ҳамкорлар билан ишлаш муваффақиятларимиз омили бўлмоқда. Асосийси, корхонамиз жойлашган «Самарқанд дарвоза» маҳалласидаги фуқароларга иш ўринлари яратдик. Жумладан, бизда ташкил этилган амалий таълим курсларида ушбу маҳалланинг кам таъминланган, моддий ёрдамга муҳтож оилаларидан маҳоратли ва малкаали чебарлар, ишчилар тайёрлашни йўлга қўйдик.

Яна шунини айтиш керакки, ушбу жамият тадбиркорлари корхонанинг истиқболдаги равнақи учун ўз маҳсулотлари, хизмат турлари билан турли кўрик, саноат ярмаркалари, «Ўзбекистон саноат» акциядорлик компанияси доирасида ўтказилаётган тадбирларда фаол иштирок этишни қатъий режаларига киритишган, ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосидаги алоқалар ҳақидаги кўплаб лойиҳалар

устида амалий иш юритишмоқда. Шунингдек, Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги Қарори ижросини таъминлашга ҳам ўз ҳиссаларини бўшишни мақсад қилишган — корхона фаолиятига 10 нафарга яқин касаначи жалб қилинди, уларнинг меҳнатидан унумли фойдаланиш ҳам кўзда тутилган.

Эътиборли томони, жамоа аҳли ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, тайёрланаётган маҳсулот сифатини таъминлашда, рақобатбардош турларини оширишда ҳамжиҳатликда меҳнат қилмоқда, улар яқин келажақда «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиқи маҳсулотларини экспорт қилишни кўзда тутишмоқда.

**МУҲАББАТ ХАБИБУЛЛАЕВА СУРАТДА: «SHARMED-TEKS»** масъулияти чекланган жамияти жамоаси фаолиятдан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат

## САУДИЯ АРАБИСТОНИ ВА БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ КИТОБХОНЛАРИГА «ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ» АСАРИНИНГ АРАБЧА НАШРИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Жорий йилнинг 16-22 октябрь кунлари Саудия Арабистони Подшоҳлиги ва Бирлашган Араб Амирликларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобининг араб тилидаги наشري тақдимоти бўлиб ўтди.

Тақдимот тадбирлари Риёз шаҳридаги Подшоҳ Файсал номидаги илмий-тадқиқотлар марказида, Абу-Даби шаҳридаги Маданият ва мерос марказида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Жидда ва Дубайдаги Бош консулхоналарида бўлиб ўтди.

Тақдимот маросимларида Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликларининг сиёсий-ижтимоий ҳамда маданий доиралари, нуфузли илмий-таҳлил марказлари, хорижий давлатлар дипломатик корпуси ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Подшоҳ Файсал номидаги илмий-тадқиқотлар маркази Бош қотиби Яхё бин Жунайд тақдимот тадбирини очар экан, Ўзбекистон раҳбарининг миллий-маънавий меросни асраш ва бойитиш борасидаги сиёсатини юқори баҳолаб, «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобидан кўтарилган масалалар саудияликлар учун ҳам яқин, тушунарли ва фойдали эканини таъкидлади.

Марказ профессори Туркий Саҳув ал-Утайбий китобни катта ҳаяжон билан ўқиб чиққани, асардаги кишиларни меҳр-оқибат ва инсонпарварликка шорловчи фикрлар ҳар бир инсон қалбидан чуқур ўрин эгаллашни билдирди.

Ислам ва вақф ишлари бўйича вазир маслаҳатчиси, МДХ мамлакатлари бўйича эксперт Маждид Туркий Президент Ислам Каримов Ўзбекистонда миллий маънавий ва маданий мерос ҳамда кадрларни тиклаш ва ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратаётганини юқори баҳолади. Унинг таъкидлашича, «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобидан ёритилган мавзулар бугунги кунда ёшлар тафаккурини юксалтиришда катта аҳамият касб этади. «Китобнинг араб тилида нашр этилиши ва бугунги тақдимот маросими Саудия Арабистони ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги маданий-маънавий алоқаларнинг янада мустаҳкамланишида муҳим воқеа ҳисобланади», деди Маждид Туркий.

Подшоҳ Файсал номидаги илмий-тадқиқотлар маркази профессори ва «Ар-Риёз» газетаси муҳбири доктор Амин Сидо «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобининг илмий аҳамиятига юксак баҳо бериб, унда бағрикенглик, ғурур-ифтихор, умумбашарий ва миллий маънавий-маърифий қадрият тушунчалари илмий жиҳатдан кенг ёритилганига эътибор қаратди. Шунингдек у миллий-маданий қадриятлар ва бой тарихий меросни тиклаш борасида Ўзбекистон қисқа муддат ичида улкан ютуқларга эришганини таъкидлади. «Шундай хайрли ишлар натижаси сифатида Тошкент шаҳрига 2007 йилда ҳақли равишда «ислом маданияти пойтахти» мақоми берилди», деб қайд этди Амин Сидо.

Жидда шаҳрида бўлиб ўтган тақдимот маросимида ҳам иштирокчилар «Юксак маънавият — енгилмас куч» китоби долзарб мавзудаги теран таҳлилий асар эканини таъкидлашди.

Жумладан, Саудиядаги ватандошлар оқсоқоли Сафохон Жаулхон Тўра Марғилоний мазкур китоб ёшларни Ватанга садоқат руҳида ўстириш, турли бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолишдан асраш ва уларга қарши тура оладиган авлод сифатида тарбиялашда муҳим қўллашма бўлиб хизмат қилади, деб таъкидлади.

«Аш-Шарқ ал-Авсат» газетаси муҳбири Абдулмажид Абдурауф китобда кўтарилган маънавият ва маданиятга оид масалалар нафақат Ўзбекистон, балки бутун мусулмон дунёси учун долзарб ва муҳим эканини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

Москва давлат университетининг Халқаро таълим маркази берган хабарга кўра, Москвага келган Ўзбекистон жамоаси жорий йилнинг сентябрь ойида Тошкентдаги Россия фан ва маданият марказида ўтган саралаш босқичи натижаларига кўра шакллантирилган. Таъкидлаш жоизки, МДУда ўтказилаётган шу каби халқаро олимпиадаларда Ўзбекистон жамоаси биринчи бор бунча миқдордаги совринларни қўлга киритди. Жамоа аъзоси Анна Ильина эса шахсий кўрсаткичи бўйича танловнинг мутлақ голиби деб топилди.

«Жаҳон», АА, Москва

## ОЛИМПИАДА БОШ СОВРИНИ ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРГА НАСИБ ЭТДИ

Ломоносов номидаги Москва давлат университети (МДУ)нинг Халқаро таълим марказида МДХ ва Балтика давлатларининг рус мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган рус тили бўйича VII Халқаро олимпиада голибларини қутлаш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон жамоасига олимпиаданинг бош соврини, шу билан бирга, ижодий ёндашув, билимдонлик ва барча номинациялардаги фаол иштироклари учун совғалар топширилди.

Россия Федерациясининг Таълим бўйича Федерал агентлиги ва Москва университети томонидан «Рус тили» Федерал мақсадли дастури доирасида ташкил этилган

олимпиадада 11 та давлатдан келган 90 та мактаб ўқувчиси қатнашди. Танлов дастури ёзма ва иккита озғиқ босқичдан, шунингдек, қўшимча равишда ўтказилган «Ёш

нотик» танловидан иборат бўлди. Шу билан бирга олимпиада иштирокчиларига назарда тутилган маданий дастур тақлиф этилди.

## ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Машинасозлар» маҳалласи фаоллари, ёшлари иштирокида ўтказилган давра суҳбатида сайловларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ҳақида сўз борди.

✓ **БУГУН** Сергели туманидаги 21-музыка мактабида иқтидорли қизлар ўртасида уюштирилган «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Миробод туманидаги Фафур Фулом номли маданият уйида стол тенниси бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида спорт мусобақаси ташкил этилди.

✓ **КЕЧА** Тошкент Тиббиёт академиясида академия «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилотининг Етакчилар Кенгашига сайловлар бўлиб ўтди.





— Бугун жуда ҳам хурсандман. Диплом топшириш маросимидаги қўшиқ янграганда ўқишга киришдаги тайёргарлик, дарс жараёнларини эслаб ҳатто кўзимга ёш келди. Хаяжоним чексиз. Университетимизда Буюк Британия таълим тизими жорий қилинган. Дарсларни чет эллик ва ўз малакаларини хоризг давлатларида ошириб келган маҳаллий ўқитувчилар олиб боришади. Тўрт йил давомида улардан жуда ҳам кўп нарсани ўргандим. Аввало, мен устозларимдан мамнунман, — дейди университет битирувчиларидан бири Элдор Илёсов.

Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университетининг битирувчи талабалари ўқиш билан биргаликда ўз фаолиятларини анча олдин бошлаб юборишган. Таъкидлаб ўтиш жоизки, университет томонидан ажратилган грант асоси-

**Таълим масканларида**

**ОҚ ЙЎЛ, БИТИРУВЧИЛАР!**

Ҳар бир олий ўқув юртида талабаларга диплом топшириш маросими аънава сифатида нишонланади. Яқинда шундай тадбирлардан бири шахримизнинг нуфузли олийгоҳларидан бирида нишонланди. Бу йили Тошкент Халқаро Вестминстер университетининг ўзининг 120 дан ортиқ бешинчи бакалаврият битирувчиларини ҳамда 9 нафар магистратуранинг илк қалдирғочларини мустақил ҳаётга кузатди. Тадбирда Лондондаги Вестминстер университетининг проректори Мария Гузковска ҳам иштирок этди.

да таълим олган талабалар 5 йил муддат давомида давлат идораларида фаолият юритадилар.

Университетда ҳар ўқув йили охирида «Карьера куни»ни ўтказиш аънавага айланган. Мазкур тадбирда давлат ташкилотлари ва хусусий бизнес вакиллари ўзлари учун

университет битирувчилари ҳамда талабалари орасидан мутахассисларни танлаб, ишга қабул қилиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Мисол тариқасида, 2009 йил май ойида ўтказилган тадбирда 60 дан ортиқ ташкилотлар, жумладан вазирлик ва идоралар, давлат концернлари, ишлаб чи-

қариш корхоналари, консалтинг ва аудиторлик фирмалари, тижорат банклари, суғурта ва телекоммуникация компаниялари иштирок этишди. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги, «Ўзавтосаноат», «Ўзбекистон ҳаво йўллари»

Миллий авиакомпанияси, «Coca-Cola Ichimligi Uzbekiston Ltd» МХК, «UzCarlsberg» МЧЖ ҚК ва бошқа бир қанча ташкилотлар иштирок этди. Статистик маълумотларга кўра университет битирувчиларининг 90 фоиздан ортиги иш билан таъминланган.

— Бугун университетнинг бакалаврият йўналишини таъминлаб, магистратурага ўқишга қабул қилинди. Шу университетда яна ўқишни давом эттиришимдан жуда хурсандман. Бу ерда турли давлатлардан келган чет эллик талабалар билан ўқиш жуда қизиқарли. Тўрт йил давомида олган барча назарий билимларимни ўз фаолиятим доирасида қўллаб, юртимизнинг янада равнақ топишига ўз хиссамни қўшмоқчиман, — дейди университет битирувчиси Маҳмуд Маҳмудов.

**Эътиқод ОТАКУЛОВА, ЎзДЖТУ талабаси**



**МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БҮСТОНИ**

**ХИКМАТЛАР**

Яхшиларга этсанг эҳсону  
карам, аъло бўлур,  
Лек ёмонларга карам этмоқ  
сенга нуқсон эрур.

\*\*\*

Садаф оғзига тушган инжу  
янглиг яхшига эҳсон,  
Ёмонга ул илон оғзига  
тушган оғудир, арзон.

\*\*\*

Сен агар борсанг карам  
аҳлига ҳожатманд бўлиб,  
Арзи ҳол этмоққа ҳожат йўқ,  
кифоятдир салом.

\*\*\*

Сен салом берганда истак,  
эҳтиёжинг англабон,  
Ҳожатинг дарҳол раво этмоққа  
бошлар ул киром.

\*\*\*

Карам аҳлига очсанг сирру асрор,  
Уни сир сақлагай ул, этмас ошкор.

\*\*\*

Соҳиби қудрат эсанг, зулм этмагил,  
Сўнггида афсус, надоматлар келур.

\*\*\*

Эй ўғил, кўзгатма мазлум оҳини,  
Тун аро кўксингга ботган ўқ бўлур.

\*\*\*

Кимсани этма мазах, ул этса ҳам,  
Бўйла иш тутган саодатлик эрур.

\*\*\*

Бир ёмон сўз захмидин  
қон томчилар,  
Битмагай, тилдан жароҳат етса ул.

\*\*\*

Дўст ул эрмишки, бошинга  
тушаркан қайғу, ғам,  
Ҳамдаминг бўлса, боқиб  
ҳолингга, куйса, йиғласа.

\*\*\*

Гар туғишгандир, вале жону  
жигармас сенга ул,  
Мушкул аҳволингга бундоқ  
зулму бедод айласа.

\*\*\*

Не саодат, ҳар муродиға  
агар етса киши,  
Ё дегайким, сабр ила хушнуди  
қисмат ўлмишам.

\*\*\*

Филҳақиқат, энг ёмонларнинг  
ёмони зулм эрур,  
Ул кишиким, зулму бедод  
айлагай, золим эрур.

\*\*\*

Ҳамиша тоза таъб инсонга зийнат  
Адаб бирлан фазилат, илму ирфон.

\*\*\*

Қаноат айлаган бўлмас таъмагир,  
Яна фориг бўлур дунёдин ҳар он.

\*\*\*

Залолат уйда ўлтирма асло,  
Бўлиб хору ҳақир, ҳоли паршон.

\*\*\*

Сабр бирлан киши етгай муродга,  
Сабр элтар сени хайринга, ўғлон.

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**

Газетанинг навбатдаги сони 3 ноябрда чиқади.

**Спорт янгиликлари**

**ЖАМҒАРМА ТАШАББУСИ БИЛАН**

Спорт — саломатлик гарови. У руҳнинг тетиклигини, таниннинг саломатлигини таъминлайди. Шу боисдан ҳам соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлод тарбиясида спортнинг ўрни бекибдир. Юртимизда болалар ва ўсмирлар спорти ривожига алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Турли-туман спорт мусобақаларини ташкил этиш орқали ёшларни оммавий тарзда спортга жалб этишга эришилмоқда.

Ўзбекистонга стол тенниси 1957 йилда кириб келган бўлиб, хозирги кунда Стол тенниси федерациясининг 118 та бўлимлари мавжуд. Мазкур спорт тури билан 14 мингдан ортиқ болалар шуғулланишади ва уларнинг сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри спортчилари халқаро турнир ва мусобақаларда голибликни қўлга киритмоқдалар.

«Соғлом авлод учун» кубоги учун стол тенниси бўйича Республика турнирининг Тошкент шаҳар босқичи ҳам ўсмирлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва спортга бўлган қизиқишни уйғотиш, халқаро майдонларда муносиб иштирок эта оладиган спорт усталарини тайёрлаш мақсадида ташкил этилган. Ушбу турнир «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими, Стол тенниси федерациясининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида

олти йилдан бери аънававий тарзда ўтказиб келинмоқда. Мазкур йиллар давомида турнир иштирокчилари сони ва савияси анча ортди.

«Соғлом авлод учун» кубоги учун стол тенниси бўйича VI Республика ўсмирлар турнирининг Тошкент шаҳар босқичи Юнусов туманидаги 17-мактаб спорт залида ўтказилиб, унда туманларда ўтказилган 1-босқичда голибликни қўлга киритган жами 44 нафар 1997-1998 йилларда туғилган ўғил ва қиз болалар қатнашдилар. Мусобақа иштирокчилари жуфтлик ва яқна тартибдаги мусобақаларда ўзаро беллашдилар.

Турнир голиблари «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар таянч маскани, дипломлари ва совғалар билан тақдирланди. Шу билан бирга ҳар бир турнир қатнашчисига ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

(Ўз муҳбиримиз)

Малайзиянинг Куала Лумпур шаҳрида футбол бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионатига уюштирилган саралаш турнири Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасига муваффақият келтирди.

**ҲАМИЮРТЛАРИМИЗ — ГУРУҲ ҒОЛИБИ**

Шуниси қувонарлики, турнирнинг «А» гуруҳида Покистон, Кувайт, Саудия Арабистони, Афғонистон терма жамоалари билан куч синашган ҳамюртларимиз тўрт учрашувнинг учтасини галаба, биттасини дуранг натижа билан якунлаб гуруҳда голибликни қўлга киритишди ва Осиё чемпионатида йўлланмани нақд қилиб қўйишди. Эътиборли жиҳати шундаки, покстонлик ва кувайтлик тенгқурларини 3:0 ҳисобида мағлуб этган ҳамюртларимиз афғонистонлик ўсмирларини 4:0 ҳисобида енгишди. Гуруҳ голиблиги учун Саудия Арабистони терма жамоаси билан уюштирилган беллашувда дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди ва учрашув 0:0 ҳисобида якунланди. Дарвоқе, тўртта учрашувнинг бирортасида ҳам рақиблар ҳамюртларимиз дарвозасини ишғол эта олишмади.

Биз кўп минг сонли мухлислар номидан Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасини ушбу галаба билан қўтлаган ҳолда Осиё чемпионатида ҳам ҳамюртларимизга омад ёр бўлсин деймиз.

(Ўз муҳбиримиз)



**«01»**

**ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг бир йўналиши замонавий талабларга жавоб берадиган ва инсонларнинг ҳаёти, соғлигини асрашга, аҳоли яшаш жойлари, стратегик аҳамиятта эга бўлган объектларнинг ёнги хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиладиган тизимни яратишдан иборат. Айнан шу мақсадга эришиш йўлида республикамизда бир қатор таҳсинга сазовор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2009 йил 27 август кўни ўтказилган мажлисида «Ёнги хавфсизлиги таъминлашга» Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг мақсади ёнги хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Кейинги пайтда республикамизда қўллаб-йўқатиш иншоотлар бунёд этиляпти. Кўпдан бери фойдаланилаётганлари эса таъмирланиб, қайта қуриляпти. Бинобарин, уларнинг бирортасида ёнги хавфсизлик, ўт офати содир

бўлмайд деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Чунки озгина эътиборсизлик, лоқайдлик сабаб ёнги юзага келиши мумкин. Шу боис янги қурилатган, таъмирланган биноларда ёнги хавфсизлигини таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратилиши зарур.

Ёнги хавфсизлиги қридаларига ҳар бир фуқаро, раҳбар, ишчи-хизматчи барча амал қилиши шарт. Чунки қридаларга нисбатан белгисиз бўлиш, биллатуриб, амал қилмаслик ёки билишсини истамаслик оқибатида қўллаб-кўнгилсиз ҳодисалар келиб чиқаётгани амалда кўриш мумкин. Кейинги

Пировардида рўй бераётган ёнги-лар хали ишимизда кўп изланишлар олиб борилиши, имкониятларни қириқиб топиб, жойларда ёнги офатини қамайтириш, унинг рўй бериши-нинг олдини олиш учун тинмай ҳаракат қилиш зарурлигини таъкидлаш мумкин.

**МУҲАЙ МИРАЗОВА, 23-ХВҚК катта инспектори, кичик сержант**

Ҳаёт тарзининг йил фаслларига қараб, унинг ўзгаришига биноан қушлар ўтрок, кўчиб юрувчи ва учиб кетувчи гуруҳларга бўлинади. Охириги гуруҳга Ўзбекистонда кенг тарқалган катта ҳажмига эга бўлган қуш — ҳаммамизга яхши маълум бўлган оқ лайлак киради.

**ЛАЙЛАКЛАР — ТИНЧЛИК ЭЛЧИСИ**

Бу қушлар баҳор фаслида Ҳиндистон, Африка қатъаларида қишлаб, сўнг бизнинг вилоятларга узок масофа босиб учиб келишади. Ўзбек халқи эртақларида, эпосида лайлакнинг келиши баҳор фаслининг бошланиши, табиатнинг уйғониши, унинг қўм-қўқ шақлга кириши билан изоҳланади.

Кўзга келиб сув ҳавзалари музлаб, озиқ-овқат қамайдиган сўнг, болалари катта бўлиши билан оқ лайлаклар тўда-тўда бўлиб учиб кетадилар. Улар қишлово жойига доимо бир хил йўлдан учиб борадилар. Неча асрлардан бери ушбу йўлдан қайтадилар. Шуниси қизиқки, бу йўлни топшиш учун оқ лайлакларнинг қўшига қараб мўлжал олиши қисман аҳамиятга эга. Чунки кўпчилик қушлар кундузи озиқланиб, кечаси учинишади. Тажрибаларда уларнинг юлдузга қараб йўл топиши аниқланган.

Оқ лайлакнинг қишлово жойи, учиб кетиши йўли, дунё мамлакатларида тарқалишини аниқлаш мақсадида оқларни ҳалқаланади. Бунинг учун қушнинг битта оёғига республикамизнинг ҳалқалаш марказининг манзили ёзилган ёнги ҳалқа кийдирилади ва яна учиб юборилади. Ҳалқаланган оқ лайлак ярадор, касал бўлганда тўтиб олинса, ҳалқани ечиб олиб уни хат орқали кўрсатилган манзилга юбориш лозим. Ҳалқалаш туфайли Урта Осиё лайлакларининг Шимолий Ҳиндистонда, Европа мамлакатларида, Жанубий Шарқда, тропик Африкада қишлашлари аниқланган.

Ўзбекистон худудида, очик табиатда, озодликда яшайдиган оқ лайлаклар ҳар йили ёзда 2-3 та тухум қўйиб полапонларини очадилар. Уларнинг жуфт бўлиб болаларини боқибди қўйиб сазовор. Лайлаклар кўпинча ўзларининг эски инларини тарк этмайдилар, шох-шаббалар билан янгилайдилар. Уларнинг ёйдиган овқатлари — асосан қурбақалар, майда балик, ҳар хил қўнғизлар, майда сичқон, илонлар, дарахт мевалари, ўтлардан иборатдир.

Маълумки, тупқулликда бўлган лайлаklar умр бўйи насл бермайдилар, буни кўп мамлакатлардаги хайвонот боғлари тажрибасидан мисол килсақ бўлади. Лекин мўъжизалар ҳам учраб туради экан. Уларнинг яшаш, турмуш шароитини тўғри ташкил қилган Тошкент шаҳридаги Хайвонот боғи ходимлари 2008 йилда катта ютуққа эга бўлдилар. Бу лайлакларнинг насл кўриши нафақат Марказий Осиёда, балки бутун Европа мамлакатлари орасида биринчи воқеа бўлиб тасдиқланди. Оқ лайлакларни кузатиш, парвариш қилиш, бир кўнлик овқат рационини халқаро талабларга биноан тузиш ўз самарасини берди, десак муболага бўлмайди. 2009 йил улар яна тухум қўйиб 2 та полапон ўстирдилар. Ҳозир улар ўз ота-оналарига ўхшаб чиройли, жозибдор қушларга айландилар.

Маълумки, шахримиздаги Ҳазрати Имом мажмуаси янгитдан қурилаганидан сўнг мажмуанинг олди томони катта боғ қилинди. Мана шу катта ямшил манзарига бошқача гузаллик бағишлаётган нарсаси — бу оқ лайлаклардир. Уларнинг сони 10 тага етар-етмас, лекин уларнинг бу ерда яшашини узокдан келаётган минг-мигадан одамлар табииатини шод қилади, қандайдир ихлос бағишлайди. Мустақиллик майдонидаги лайлак тинимсоли ҳам одамларга хуш кайфият бахш этмоқда.

Ҳазрати Имом мажмуасига қадам ранжида қилган чет эллик сайёҳларнинг нигоҳи биринчи бўлиб бу гузал қушларга тушади, барчани ўзига маҳлл ё қилган бу қушлар тинчлик, осойишталик рамзидир, буни бизнинг турмуш ҳаётимиз тасдиқлаб бермоқда.

**Тоҳир ИБРАГИМОВ, табиатушор, профессор**

**Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563  
ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.**

Ҳажми — 2 босма табақ,  
офсет усулида босилади.  
2811 нускада босилди.  
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтависи»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилиб ва саҳифаланиди.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳосиси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 3 4 5